



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Бог'от шаҳарчаси, Ўзбекистон ко'часи, 18-уй

2021 -yil 16 - январ

73k -son

Бог'от шаҳарчаси

Богот туманидаги 26-сонли мактабгача таълим ташкилотига “Бўка” ва “Пахтаобод” маҳаллалари худудидан “Мобил” гуруҳларни ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мобил гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 сентябргаги 786-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим Вазирининг вилоят ҳокими номига ёзган, Богот туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 24 декабрдаги №01-01/7-2-1148 сонли сўровномаси бўйича туман ҳокимлигида қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишловчи комиссиянинг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мобил гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 сентябргаги 786-сонли қарори, туман ҳокимлигида қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишловчи комиссиянинг далолатномаси ва бошқа тўпланган ҳужжатлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мобил гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги 2019 йил

18 сентябраги 786-сонли қарорига асосан Боғот туманидаги 26-сон мактабгача таълим ташкилотига “Мобил” гуруҳларни ташкил қилиш учун болалар майдончаси қуриш мақсадида “Бўка” маҳалласи ҳудудидан 200,0 квадрат метр ва “Пахтаобод” маҳалласи ҳудудидан 200,0 квадрат метр ер майдонлари доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га ушбу ер майдонида олиб бориладиган қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзобоев)га ер ҳисобини тузган вақтда ушбу ўзгаришни ҳисобга олиш ҳамда Боғот тумани мактабгача таълим бўлимига тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб бериш вазифаси топширилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 6, 10-бандларига асосан ажратилган ер майдонларидан бошқа мақсадларда ва мазкур ер участкасидан 2 (икки) йил мобайнида фойдаланилмаганда ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқ тўхтатилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев